

Эрамизнинг бошларида қа-дим-ги Тошкент воҳасида шаҳар маданияти кенгайиб, Корасув, Салор ва Жўн--арик сугориш тармоқлари бўйлаб қатор шаҳар тусидаги аҳоли яшайдиган мавзелар қад кўтаради. Бу, шуб-хасиз, Чирчик дарёсининг қадимги табиий тармоқлари ҳисобланган Корасув ва Салор анҳорларининг ҳар икки соҳили бўйлаб чиқарилган канал ва арик сувлари ёрдамида обод этилган дехқончилик майдонларининг кенгайиб бориши билан чамбарчас боғлик эди.

Афтидан айни ҳудди шу даврларда Корасув ва Салор анҳорларининг Чирчик дарёсидан ажралиб чиққан ерида бош тўгон қурилиб, қадимги Тошкент ва унинг атрофлари доимий сунъий сугориш тармоғига айланган. Бу икки анҳорнинг йиллик сув таъминоти тартибга солинган. Ёзма манбаларда тилга олинишича, бу тўгон «Банди подшоҳ», яъни «Подшоҳ тўғони» номи билан юритилиб, шаҳардан 3 фарсах (24-27 км.) узокликда Ўнгкўргон яқинида, Чирчик дарёсининг ўзани ичида бўлган.

Бу қадимги анҳорлар сохилларида қад кўтарган шаҳар тусидаги обидалар Кўгайтепа(Нўғой-кўргон), Тавқаттепа, Бўзғонтепа, Мингўриқ ва бошқа жойлардан топилиб текширилди. Афсуски, Нўғойкўргон қаби Тошкент-нинг қадимги тарихи билан боғлиқ бўлган ёдгорликлар бизнинг давримизгача яхши сақланмаган. Бунинг устига, уларнинг, айниқса, Кўгайтепанинг остки қатламлари ҳар томонлама кенгрок очиб ўрганилмаганлиги туфайли бу ёдгорликлар тўғрисида муфассалрок маълумотлар келтириш ҳамда пойтахтимизнинг қадимги манзарасини тиклашда улардан иложи бориша тўлиқрок фойдаланиш имконига эга эмасмиз. Ёдгорликлар орасида энг йириги ва бирмунча яхширок ўрганилгани Минг-ўриқ бўлиб, у Тошкент темир йўли Шимолий вокзали яқинида, Салор канали бўйида жойлашган. Мингўриқдаги шаҳар харобаси 1865 йилдан сўнг қад кўтарган «Янги шаҳар» деб аталган қисмида бўлиб, 1871 йили туширилган шаҳар тарҳига қараганда, у 30 гектардан ошқрок майдонга эга бўлган.

ХИХ асрнинг 70-80-йилларида Минг-ўриқ тепалиги аста-секин бузилиб, унинг тупроғидан қуйилган хом гиштлардан янги шаҳар бинолари қад -ростлаган. Ўша вақтлари Мингўриқ тепалиги тупроғини 30 йил давомида аравадеб ташиган мўйсафидлардан бирининг ҳикоясига қараганда, шаҳар қурилишини пудратга олган Тошкент бойлари Мингўриқ тепалигини Чор ҳукуматининг Туркистондаги маъмуриятидан ижарага олиб, уни қурилишга ишлатганлар. Ўша давр-ларда тупроғи қазиб ташилаётган Мингўриқ тепасидан чиққан ашёвий топилмалар: пишиқ гишт, канализатсия қувурлари, шиша ва сопол идишлар, қадимги чақа ва тангалар тўғрисида маҳаллий матбуотда эндигина Тошкентга кўчиб келган хавасқор ўлкашунос, илғор рус зиёлиларининг хабарлари тез-тез босилиб турган.

Мингўриқдаги тепалик тошқентликлар ўртасида «Афросиёб тепалиги» номи билан машҳур эди. Бу тепалиқни шаҳарликлар Турон мамлакатининг қадимги афсонавий шоҳи Афросиёб номи билан боғлайдилар. Айтишларича, тепалиқ ўрнида қадимда Афросиёбнинг «ошҳона»си бўлган эмиш, унинг тахтда ўтирадиган қароргоҳи эса Чигатой яқинида қадимги Жарарик бўйида жойлашган иккинчи Афросиёб тепалиғида бўлган эмиш. Шунинг учун ҳам халқ бу иккинчи тепалиқни «Шоҳнишин», яъни «Шоҳ ўтирган жой» деб атади, деган ҳикоя шаҳарликлар ўртасида кенг тарқалган эди. Аввало шуни айтиш

керакки, «Афросиёб» тарихий шахс эмас, у Турон мамлакатининг афсонавий шохларидан биридир. Ўрта аср ёзма манбалари, айникса, Фирдавсийнинг машхур «Шохнома» эпоси туфайли Афросиёб Шарқда, айникса, Ўрта Осиёда шухрат топган. У Эрон ахмонийлари тажовузига қарши муттасил кураш олиб борган жанговар қахрамон ҳукмдор, Туронда кўплаб шаҳар ва қишлоқлар барпо этган шох сифатида тасвирланади. Дарҳақиқат, бу афсонавий подшо исми қадимги Турон диёрида илк давлатлар барпо этиб, дастлабки шаҳарлар бино қилган ҳукмдорлар силсиласининг умум рамзий номидир. Шу боисдан бўлса керак, кўпинча қадимги шаҳар харобаларини Афросиёб номи билан боғлаб талкин этиш халқ оғзаки адабиётида кенг ўрин олган. Чунончи, Самарқандда Сиёб анхори соҳилидаги маш-хур «Афросиёб» шаҳри харобаси ҳам, Тошкентда Салор ва Жарарик бўйларида жойлашган ҳар икки «Афросиёб» тепаликлари ҳам афсоналарга асосан сўнгги асрларда пайдо бўлган топонимлардир. Қадимдан халқимиз сизот сувлар ва булоқлардан ҳосил бўлган сой ва анхорларни «сиёҳоб» ёки қисқартириб «си-ёб», яъни «қорасув» деб юритиб келган. Бундай анхорларнинг соҳиллари бўйлаб жойлашган мавзелар «Афросиёб» ёки «Сиёб соҳиллари», яъни «Қорасув бўйлари» демакдир. Шундай экан, Самарқандда Сиёб сойи соҳилидаги маш-хур «Афросиёб» шаҳар харобаси ҳам, Тошкентнинг Салор ва Жарарик бўйларида жойлашган ҳар иккала Афросиёб тепаликлари ҳам «Сиёб ёки Қорасув бўйидаги жойлар» деган маънони англатади.

Афсуски, Тошкентда янги шаҳар қурила бошлаган вақтлардаёқ Мингўриқ ёдгорликлари деярли бузилиб, унинг остки маданий қатламлари шаҳарнинг янги иморатлари ва кенг кўчаю хиёбонлари остида қолиб кетган. Ушбу қадимги шаҳарлар харобасини археологик жиҳатдан ҳар томонлама кенгрок ўрганиш имконияти эса аллақачон йўқолган эди. Ўз вақтида ҳозирги Мовароуннаҳр, Сайидбарақа, Моштабиб ва Фаргона йўли (аввалги Пролетар, Павлов ва Куйбишев) кўчалари оралигида каттагина майдонни эгаллаган Мингўриқдаги қадимги «Афросиёб» шаҳар харобаларидан бизнинг давримизгача фақат 100х40 метрли кичик бир қисмигина аввалги «Шарқ» мебел фабрикаси ҳовлисида тепалик шаклида сақланиб қолган, ҳолос. Тошкентнинг қадимги тарихи билан бевосита боғлиқ бўлган археологик ёдгорликнинг ҳозирги кундаги сақланиш ҳолати бу ҳудудда шаҳар маданиятининг шаклланиш тарихини чуқуррок ўрганиш ва унинг тараккиёт босқичларини аниқрок белгилаб чиқишга имкон бермас эди. Шу сабабли бу масалага ойдинлик киритиш мақсадида кейинги вақтларда археологларимиз кенг кўламдаги казиш ишларини асосан археологик жиҳатдан бирмунча яхши сақланиб қолган Шоштепа шаҳар харобасида олиб бормоқдалар.

Шунга қарамай, Мингўриқ ёдгорлигида олиб борилган археологик казиш ишлари Тош-кент-нинг қадимги тарихига, айникса, шаҳарнинг умумий тархи (планировкаси) ва унинг тараккиёт босқичлари: мудофаа иншоотлари ва тураржойларнинг тузилиши, шаҳар хунармандчилиги ва унинг таш-қи ўлкалар билан олиб борган савдо-сотик муносабатларига доир жуда қизиқарли ашёвий далиллар берди.

Мингўриқнинг ўн тўққиз ерида археологик шурф (кесма) ташланиб, икки еридан кенг кўламда казишлар олиб борилди. Археологик казишлардан маълум бўлишича, Салор анхори бўйида милоннинг I-II асрларида даставвал атрофи девор билан ўралган, унчалик катта бўлмаган чорбурчакли кўргон қад кўтарган. Кўргон ичида ташқи девор бўйлаб йўлаксимон ҳамда равокли, сохта дарчалар ишланган хоналар бўлган.

Археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, Мингўриқ шаҳар харобасининг остки катламидан очилган обидалар милоднинг биринчи асрларига тааллуқли бўлиб, ундаги дастлабки бинолар ҳозирги кундан роса 19-20 аср бурун қад кўтарган.

Афтидан, милоднинг III-IV аср-ларида Мингўриқдаги қадимги кўргон бирмунча кенгайиб, унинг таш-ки мудофаа девори таъмир этилган. Бу даврда лойига сомон кўшилган йирик хом гишт ва пахсадан янги бинолар қурилган. Очилган хоналардан топилган, чала ёнган ёғочларга караганда, хоналарнинг томи тўсин ва устунли бўлиб, сахни(поли) сомонли лой билан сувалган. Мингўриқда илк ўрта асрларга оид қаср биносининг бир қисми яхши сақланган. Бу ердан бир неча хона очиб, текширилди: хом гишт ва пахсадан бино қилинган деворлар баландлиги 2 метргача сақланиб қолган. Хоналарда эни бир метр, баланд-лиги 0,5 метр ва усти сомонли лой билан сувалган супалар бўлиб, улардан бирининг супаси ва сахни(поли)га 25та хум қатор териб қўйилган. Хумларнинг бирида қуйиб қўмирга айланган мош донлари сақланган. Хатто қавлаб очилган хоналардан бирининг деворларида оқ бўёқ билан хошия тортилиб, устига қизил ранг билан ислимий нақш берилган деворий расмларнинг қолдиқлари қайд этилган. Бу деворий расм-лар VI-VII асрларга мансуб бўлиб, яхши сақланмаганлиги сабабли унинг манзарасини аниқлаб бўлмади.

Хуллас, Мингўриқ тепасидан сақланиб қолган қисм унинг қадимги аркининг қолдиқлари бўлиб, майдони 0,5 гектарга тенг бўлган. Арқ нишон туйнуқлар ўрнатилган ва равоқсимон қилиб ёпилган айланма галерея ва қўшқатор мудофаа девори билан ўралган. Девор ташқарисида унга ёндоштирилиб қурилган чорбурчакли бурж, бору ва мўлалар бўлиб, уларнинг ораси 12 метрга тенг эди.

Тарихий манбалардан маълум бўлишича, милоднинг III асрида Қанг давлати бир-бири билан иқтисодий жihatдан боғланган бир неча майда мустикал вилоятларга бўлиниб кетади. Шу вақтларда Тошкент воҳасида мустикал Чоч давлати ташкил топади. Мингўриқдаги қадимги маскан унинг марказий шаҳарларидан бирига айланади. III асрга оид ёзма манбаларда кўрсатилишича, шаҳар теварагининг умумий ўлчами бу давр-да 4 километрга етган. Мингўриқдаги шаҳарнинг мудофаа деворлари шаҳар аслзодаларининг деворий расм-лар билан нақшланган саройларию савдогарларнинг ҳашаматли уйлари ҳамда хунармандчилик маҳаллалари, қорхоналари жойлашган шаҳристонни тўрт томондан ўраб турган. Манбаларда шаҳар худди шу асрлардан бошлаб «Чоч» номи билан тилга олина бошлайди. Афсуски, Ўрта Осиёнинг бошқа воҳалари қаторида Чоч вилоятида ҳам ҳамма вақт осойишталик бўлмаган. Ташки ҳужумлар, бос-қинчиларнинг юришлари Чоч аҳолисини доимо безовта қилиб турган. Шарқ солномачиларининг таърифлашларича, Чочнинг эрксевар ва жанговар аҳолиси бундай тўқнашувларнинг олдини олиш мақсадида илк ўрта асрлардаёқ бутун Чоч вилоятини дашт тарафдан муствақам бўлган девор (бир неча юз километр чўзилган) билан ўраб олган. Бу деворнинг қолдиқлари айрим жойларда бизнинг давримизгача сақланиб қолган. У халқ орасида "Қампир девор", яъни "Гирди хандакли девор" номи билан маш-хурдир.

VIII аср бошларида юртимизнинг Араб халифалиги қўшинлари томонидан босиб олиниши оқибатида бошланган талон-торожлик даврида Чоч ўлкаси ва теварак-атрофидаги шаҳар-кишлоқлар ўт ичида қолади. Бу воқеалардан кейин Мингўриқдаги вайрон бўлган

қадимги Чоч шаҳри неча ўн йиллар давомида бўшаб, ўзини ўнглаб ололмайди. Бу ерда шаҳар кейинчалик ҳам тикланмайди.

Абдулахад Муҳаммаджонов,
академик